Президент Шавкат Мирзиёев «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини янги босқичга олиб чиқиш, маҳаллаларда аҳоли учун қулай экологик муҳит яратиш ва инновацион ечимларни жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев транспорт-логистика соҳасидаги йирик лойиҳаларнинг бориши юзасидан тақдимот билан танишди.

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil, 22-sentabr, seshanba
№116
(5336)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri




ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ 616 МИЛЛИОН СЎМ МУКОФОТ ОЛЯПТИ

Мавзуга доир мақола билан «Ishonch»нинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида танишинг.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида ўқитувчилар билан ҳам мулоқотда бўлиб, уларнинг иш шароити ва соҳага доир таклифлари билан қизиқди. Муаллимларнинг обрўси баланд, мамлакат раҳбари уларга ҳурмат кўрсатган заминда ўсиш, ривожланиш бўлишини юртимиздаги ислоҳотлар мисолида кўриш мумкин.

Президентимизнинг сиёсий иродаси, ўқитувчиларга чексиз ҳурмати ва эътибори туфайли устозлар мажбурий меҳнатдан буткул қутулди. Ойлик маошлар ошириб борилмоқда. Турли имтиёз ва имкониятлар тақдим этиляпти. Бундан ташқари, танловлар ташкил қилиниб, ғолиблар муносиб тақдирланмоқда.

Хусусан, 19 сентябрь куни «Йил ўқитувчиси» танлови ғолиблари аниқланди. Унда Қорақалпоғистондан 17 нафар педагог ғолиб деб топилди. Республика бўйича эса 208 нафар ғолиб бор. Уларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 1400 баравари миқдорида, яъни ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра, 616 миллион сўмдан пул мукофоти берилади.



– Энди ҳисобланг: битта танловда ўқитувчилар учун қанчалик катта маблағ сарфланяпти! Бу мамлакатимиз етакчисининг ўқитувчиларга кўрсатган эҳтироми, эътибори натижаси, **– дейди Қонликўл туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Нигора Алламберганова.** *– Президентимиз ўқитувчининг ойлик маоши 2000 доллар бўлишини айтганида унчалик ишонқирамай қараганлар ҳам бўлди. Бугун ўша гаплар айни ҳақиқатга айланди. Масалан, ўзим 2000 доллар эквивалентида маош оламан. Бу йил «Йил ўқитувчиси» танловида иштирок этиб, ғолиб бўлдим ва 50 минг долларлик зиёд мукофотни қўлга киритдим. Ўқувчиларим фан олимпиадаларида ғолиб бўлгани боис Президентимизнинг тегишли қарори билан маошимга 100 фоиз, республика олимпиадаси ғолиби сифатида яна 100 фоиз устама тўланади. Ўзбек тили бўйича А+ даражали миллий сертификат соҳибасиман. Бунга 50 фоиз, шунингдек, вазир жамғармасидан 70 фоиз устама оламан. Қолаверса, илмий ишим борлиги учун 30, директор жамғармасидан ҳам 30 фоиз устама берилади.*

Ҳа, Янги Ўзбекистоннинг ўқитувчилари 616 миллион сўм мукофот оляпти. Бунақаси бўлмаган.

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 18-19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи ҳудуд ҳаётида янги саҳифалар очмоқда



Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

1

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 19-20 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида ўтган давр мобайнида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимиз томонидан Қорақалпоғистон учун алоҳида қабул қилинган 80 дан ортиқ фармон ва қарорлар асосида аҳолига, жумладан, ёшларга ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилиб, ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Аҳолини бир неча йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолар ўз ечимини топиб, ноқонуний қурилган 39 минг 138 та уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилди. Ҳудуд эҳтиёжи учун жуда муҳим бўлган 367 миллион долларлик «Нукус-1» ва «Нукус-2» шамол электр станциялари ишга туширилди.

Мамлакатимизни Европа давлатлари билан боғловчи «Қўнғирот – Бейнеу» автомобиль йўлининг 240 километрлик қисми фойдаланишга топширилгани, Орол денгизи ҳудудида 2 миллион гектар майдонда чўл шароитига чидамли ўсимликлар экилиб, «яшил қопламалар» барпо этилгани, шунингдек, Тахтакўпир туманида фойдаланишга топширилган «Қоратеран» туристик мажмуаси ва миллийликни ўзида акс эттирган «Этно овул» ҳудуддаги ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигидан дарак беради.

Президентимизнинг 2023 йил 11 январдаги қарори асосида Беруний туманидан «Ургут» эркин иқтисодий зонасига 22,3 гектар ер майдони ажратилиб, алоҳида иқтисодий зона ташкил қилинди. Бундан ташқари, «Starberry group» МЧЖга агрологистика маркази ҳамда гидропоника ташкил этиш учун Нукус тумани ҳудудидан 13,1 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Қорақалпоғистонда 2024 йилда 146,8 минг нафар аҳоли доимий, мавсумий ва вақтинчалик иш билан таъминланди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида 67,2 мингта, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳасида 69,2 мингта, қурилиш соҳасида 5,4 мингта доимий ва вақтинчалик иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш орқали 5 минг киши ишли бўлди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 37 минг 568 та субъектга 529,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Жорий йилда маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, 15 минг 106 та микролойиҳа амалга оширилди ва натижада 19,8 мингта янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан жорий йилда 2 минг 867 та тадбиркорлик субъектига 269,8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

2

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилда 4,5 триллион сўмни ташкил этган бўлса, эндиликда 29 триллион сўмга етди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Эътибор ва ғамхўрлик натижасида минг-минглаб оилалар тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Беруний туманининг «Истиқлол» маҳалласида яшовчи Озода Бекберганова узоқ йиллар уй юмушлари ва фарзанд тарбияси билан банд бўлиб, бирор ҳунар эгаллай олмаган эди. «Маҳалла еттилиги» томонидан ўтказилган хатлов унинг орзуларига йўл очди. Унга имтиёзли шартларда 20 миллион сўм кредит ажратилиб, ссудага 3 та замонавий тикув машинаси олиб берилди. Ҳозир у уй шароитида буюртма асосида кийим-кечак ва кўрпача-ёстиқ жилдлари тикяпти.

«Зиёкор» маҳалласида яшовчи Азамат Юлдашов ҳам яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, 50 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига уй шароитида тайёр ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

– Тадбиркорларга берилаётган имтиёзларни кўриб, менда ҳам ўз ишимни бошлаш истаги пайдо бўлди, – дейди Азамат Юлдашов. – Маҳалла масъулларига таклифимни билдирдим, улар маъқуллашди. Бугунги кунда иссиқ таомлар, тузламалар, пиширик ва салатлар тайёрлаб сотувга чиқаряпмиз. Маҳсулотларимиз аҳолига манзур бўлмоқда. Оилавий даромадимиз ҳам анча яхшиланди.

Берунийлик Жамшид Рейимбоев изланувчан ёшлардан бири. У туман марказида «Coffee in» брендли остида салқин ва иссиқ ичимликлар тайёрлаб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Қораўзаклик Бибинур Базарбаева АТ соҳасига қизиқади. У яқинда «AQUA LOOP» стартап лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу қурилма орқали душ ва қўл ювишдан ҳосил бўлган сув йиғилиб, махсус фильтрлар орқали тозаланади, сўнг қайта фойдаланишга йўналтирилади.

– Қурилмада сув уч босқичда тозаланади, – дейди Бибинур Базарбаева. – Энг муҳими, у қўшимча электр энергиясини талаб этмайди. Лойиҳа кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналар ва ижтимоий объектлар каби сув истеъмоли юқори бўлган масканлар учун мўлжалланган.

Қорақалпоғистонда хонадонларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган «Оилавий бизнес» штаби фаолияти ҳам бандликни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Ҳудудда оилавий бизнесда талаб юқори бўлган 97 турдаги мини-цех ва ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уй шароитида ишлаб чиқариш бўйича 4 223 та лойиҳа шакллантирилиб, ишсизлар, ёшлар ва «Ижтимоий реестр»даги фуқароларга минглаб ускуналар топширилди.

Элликқалъа туманидан Раҳманберди Машарипов имтиёзли кредит эвазига юк мототранспорти харид қилиб, ўз даромад манбаига эга бўлди. Тахиатош туманида яшовчи Расул Аллашов эса 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига шакар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Унинг оила аъзолари бўшаган қоплардан харид сумкалари тикишмоқда.

Аҳолини ичимлик сув, электр энергияси билан барқарор таъминлаш, йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида ҳам Қорақалпоғистонда эътиборга молик ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Бўзатов туманини ривожлантириш дастури доирасида 95В038 автомобиль йўлининг 18,3 километрлик қисми тўлиқ асфальтланиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур йўл Бўзатовни Чимбой тумани ва бир қанча аҳоли пунктлари билан боғлайди. Йўл қурилиши тўлиқ якунлангач, халқ учун кенг қулайликлар яратилади.

Қонликўл туманидаги «Жайҳун» маҳалласига марказлашган ичимлик сув тармоғи тортилди. Эндиликда яна 448 та хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланди.

– Туман марказидан 26 километр олисда яшаймиз, илгари аҳвол жуда оғир эди, – дейди фуқаро Назарбай Қаражанов. – Қишлоғимизда сув муаммоси ҳал этилганидан беҳад хурсандмиз.

3

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18-19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи ҳудуддаги хайрли ташаббусларга янги суръат бағишлади, десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Ташриф давомида Президентимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишди. Хусусан, Кегейли туманидаги «ADM Agro» корхонасининг саноатлашган интенсив боғини, «Кегейли барака наслли парранда» корхонасини ҳамда замонавий иссиқхона мажмуини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги қарори асосида «Жузим бағ» овул фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган «Кегейли барака иссиқхонаси» илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

– Бундан 10-15 йил бурун бу ер ҳеч нарса унмайдиган ташландиқ майдон эди, – дейди тадбиркор Акрам Ҳожиев. – Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бугун ушбу манзил замонавий иссиқхонага айланди. 2025 йилнинг декабрь ойида қурилиш ишлари бошланиб, 2026 йилнинг апрелида дастлабки ниҳоллар ўтқазилди. 5 гектар майдон 10 сотихдан 50 та кам таъминланган оилага бўлиб берилди. Ҳозир Жанубий Кореянинг серҳосил «Фонтино-F1» бодринг нави парвариш қилинмоқда.

Келгусида бу жойда помидор, булғор қалампири ва қулупнай каби 5-6 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш режалаштирилган.

– Бизга 10 сотих ер ажратилиб, уруғ, ниҳол ва барча зарур озуқалар етказиб берилди, – дейди Салтанат Одилбоева. – Илгари ҳам уйда экин экардим, лекин бу ердаги шароит мутлақо бошқача. Ерга меҳр берсангиз, у ҳеч қачон сизни ризқсиз қолдирмайди. Иссиқхонадан олаётган даромадим эвазига олий ўқув юртида ўқиётган фарзандимнинг шартнома тўловини тўлаяпман. Кам таъминланган оилаларга шундай имкониятлар яратиб бергани учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Нукус туманидаги «Дийқан арна» маҳалласида ҳам бўлиб, аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан юзма-юз суҳбатлашдик, – дейди Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор Муратбай Қалмуратов. – Давлатимиз раҳбарининг халқ фаровонлиги, янги иш ўринлари яратиш ва инвестиция жалб этиш борасидаги ишлари таҳсинга лойиқ. Маҳалламизда кейинги икки йилда «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури доирасида канал ва ариқлар бетонланиб, томорқаларни сув билан таъминлаш яхшиланди. Бу эса одамларга ўз томорқасидан унумли фойдаланиб, даромад топиш имконини бермоқда. Маҳалламизда 3600 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 60 ўринли замонавий боғча қурилди, футбол ва воркаут майдончалари барпо этилди. «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида 20 дан зиёд хонадонда асаларичилик йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбари маҳалладошимиз Бахтиёр Жўбаев хонадонидаги асални қайта ишлаш ва устахона фаолияти билан танишгани қалбимизда фахр туйғусини уйғотди. Бугун бўлаётган ўзгаришлар, энг аввало, одамларнинг кундалик ҳаётида сезилмоқда.

Ташриф доирасида Нукусдаги илмий-амалий тиббиёт академияси ҳамда 118,6 миллиард сўм эвазига янгидан реконструкция қилиниб, мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган «Турон» стадиони ҳам кўздан кечирилди.

– 196 ўринли ётоқхона, ўқув хоналари, ошхона, кутубхона ва фитнес залларига эга спорт мажмуасининг қайта фойдаланишга топширилгани спортчилар ва мураббийларни бениҳоя хурсанд қилди, – дейди Қорақалпоғистон футбол академияси директори Дамир Искендеров. – Бугун бу ерда асосий футбол майдонидан ташқари қўшимча 2 та футбол майдончаси ҳам мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг футболга ихтисослаштирилган спорт мажмуамизга ташрифидан ва албатта, қорақалпоқ элига кўрсатаётган ғамхўрлигидан беҳад миннатдормиз.

4

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳудудда қатор лойиҳа ва дастурлар амалга оширилганини ҳамда бу ишлар давом эттирилиши таъкидлаб ўтди. Жумладан, ўтган йили Қорақалпоғистонга 1 миллиард 700 миллион доллар инвестиция киритилгани, бу 2021 йилдагига нисбатан 22 баравар кўплиги, жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт 10,2 фоизга ўсиб, ҳудуд республикада Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгаллагани эътироф этилди.

Йиғилишда таъкидландики, умумий қиймати 7 миллиард долларлик 47 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди. Хусусан, Қўнғиротда 2,6 миллиард долларлик, қуввати 1,5 минг мегаваттли шамол станциясини қуриш бошланди. Лойиҳа доирасида 1,5 минг километр юқори кучланишли тармоқ ва 500 киловольтли 3 та подстанция барпо этилади.

Президентимиз Қорақалпоғистонда ер, қазилма бойликлар, қуёш ва шамол энергияси, катта яйловлар мавжудлигини алоҳида қайд этар экан, ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида масъулларга «Ресурсдан тайёр маҳсулотгача» тамойили асосида янги саноат ва инвестиция харитаси яратиш, уч йил ичида Нукус шаҳри, Қўнғирот ва Тахиатошда 1,5 мингта юқори даромадли иш ўрни ташкил этиш ҳамда АТ экспорт ҳажмини 600 миллион долларга етказиш вазифасини қўйди. Шунингдек, келаси баҳордан Нукус туманидаги 10 минг гектар майдонда қовун етиштириш йўлга қўйилиши ва йил якунига қадар Испания, АҚШ, Нидерландия ҳамда Хитойдан энг яхши навлар олиб келиниши ва тажрибали мутахассислар жалб этилиши белгиланди.

* * *

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳудуднинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилажак.

ХАВФСИЗ ВА МУНОСИБ МЕҲНАТ
умумий мақсад, умумий масъулият

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Бугун меҳнат бозори жадал ўзгариб, рақамлаштириш, автоматлаштириш ва сунъий интеллект каби замонавий технологиялар иш жараёнларининг ажралмас қисмига айланмоқда. Бу жараён меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги учун янги имкониятлар яратиши баробарида, ходимларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, янги касбий ва психоижтимоий хавфларнинг олдини олиш масалаларига ҳам янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»



Бундай шароитда хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш нафақат иш берувчи ёки масъул ташкилотларнинг, балки касаба уюшмалари, давлат органлари ва ходимларнинг ҳамкорликдаги вазифасига айланмоқда. Айниқса, профилактика, ижтимоий мулоқот ва ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу долзарб масалалар 11-12 сентябрь кунлари Қирғиз Республикасининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган «Хавфсиз ва муносиб меҳнат: ходимларнинг ҳаёти, саломатлиги ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли» мавзусидаги халқаро форумда атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Грузия ва Озарбайжон касаба уюшмалари вакиллари, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), давлат органлари, иш берувчилар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси экспертлари иштирок этдилар.

Форумни Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Мурадил Жумадилде уулу ва Меҳнат, ижтимоий таъминот ва миграция вазирининг ўринбосари Чулпонкул Мадяров очиб берди. Улар ўз сўзларида бутун дунёдаги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида касбий хавфларни мунтазам аниқлаш, баҳолаш ва олдини олишга асосланган профилактик ёндашувни янада кучайтириш зарурлиги, бунинг учун профилактика маданиятини шакллантириш, иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш, меҳнатни бошқариш ва меҳнат инспекциясининг малакали тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, ходимлар ва вакилларининг хавфсизлик ҳамда саломатликка таъсир кўрсатувчи қарорларни қабул қилишда ҳақиқий иштирокини таъминлаш зарурлигини таъкидладилар.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Ходимлар фаолияти бўйича бюросининг Европа ва Марказий Осиё бўлими мудири Сергиус Гловацкас эса тадбирда видеоконференцалоқа шаклида иштирок этиб, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор масалаларни муҳокама қилиш, профилактика ишларини кучайтириш, ходимларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш жараёнларидаги иштирокини ошириш ҳамда ижтимоий мулоқотни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида касаба уюшмалари, давлат органлари, иш берувчилар ва экспертлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро тажрибани ўрганиш ва илғор амалиётларни миллий шароитга мослаштириш масалалари бўйича тегишли қиёсий ва амалий тажрибалар билан ўртоқлашди.

Анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари вакиллари Марат Адилов ва Дилдора Баратова ҳам фаол иштирок этди. Улар «Меҳнатни муҳофаза қилиш миллий тизимини мустаҳкамлаш: сиёсат, ижтимоий мулоқот ва профилактикада касаба уюшмаларининг роли» ҳамда «Рақамлаштириш, автоматлаштириш ва сунъий интеллект шароитида меҳнатни муҳофаза қилиш» мавзуларида сўз юритишди.



Марат АДИЛОВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси:

– Бугунги кунда меҳнатни муҳофаза қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Асосий эътибор ходимларнинг ҳаёти ва саломатлигини асраш, хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилишини жамоатчилик назорати орқали таъминлашга қаратилмоқда.

Касаба уюшмалари вакиллари корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитларини ўрганиш, ишлаб чиқариш ускуналари ва механизмларининг хавфсизлиги, вентиляция тизимлари, санитария-маиший хоналар, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари ҳолатини баҳолаш жараёнларида қатнашади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича иш берувчиларга тегишли таклиф ва тавсиялар берилади. Ходимлар ҳаёти ва саломатлигига жиддий хавф туғдирувчи ҳолатларда эса зарур чоралар кўрилиши муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари ва техник инспекторларининг замонавий технологиялар билан боғлиқ хавфларни баҳолаш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш зарур.

Форумнинг аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, у, аввало, тажриба алмашиш ва турли давлатларда меҳнат хавфсизлиги соҳасида қўлланилаётган самарали ёндашувларни ўрганиш имконини беради. Энг муҳими, касаба уюшмалари, давлат органлари, иш берувчилар ва халқаро ташкилотлар ўртасида очиқ мулоқот учун майдон яратилади.



Дилдора БАРАТОВА,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси:



– Бугун меҳнат бозоридаги ўзгаришлар барча давлатлар олдига умумий вазифаларни қўймоқда. Хавфсиз меҳнат – бу фақат ишлаб чиқаришдаги жароҳатларнинг олдини олиш эмас. Замонавий шароитда ходимнинг жисмоний ва руҳий саломатлиги, иш юкламаси, меҳнат ва дам олиш вақти, янги технологиялар билан ишлаш жараёнидаги хавфсизлиги ҳам комплекс равишда таъминланиши керак.

Рақамлаштириш, автоматлаштириш ва сунъий интеллектнинг ишлаб чиқариш жараёнларига кириб келиши меҳнат муносабатларига янги имкониятлар билан бирга, янги хавфлар ҳам олиб келмоқда. Масофавий ва гибрид меҳнат, ностандарт бандлик шакллари, иқлим ўзгариши, меҳнат миграцияси каби омиллар меҳнат хавфсизлигига янгича ёндашувларни талаб қилмоқда. Айниқса, психоижтимоий хавфлар, ходимларнинг иш юкламаси ва меҳнат шароитларини ҳисобга олиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан техник инспекторлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш, замонавий хавфларни баҳолаш ва бошқариш кўникмаларини ривожлантириш зарур.

Сунъий интеллект ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва инсон меҳнатини енгиллаштиришда катта имкониятларга эга. Бундан ташқари, инсон ва автоматлаштирилган тизимлар ўртасидаги ўзаро муносабат, қарор қабул қилиш жараёнлари, иш юкламасининг ўзгариши ва касбий вазифалар ходимлар учун янги хавфларни юзага келтириши мумкин.

Демак, ходимларни замонавий технологиялардан хавфсиз фойдаланишга ўргатиш, уларнинг малакасини мунтазам ошириш ва меҳнат хавфсизлиги бўйича билимларини янгилаб бориш керак. Технология қанчалик замонавий бўлмасин, унинг инсон ҳаёти ва саломатлигига таъсири доимо биринчи ўринда туриши керак.

Тадбирнинг иккинчи куни иштирокчилар Қирғиз Республикаси Меҳнат, ижтимоий таъминот ва миграция вазирлиги ҳузуридаги Республика протез-ортопедия буюмлари муассасасига ташриф буюриб, меҳнат хавфсизлиги ва ходимлар учун яратилган шароитлар билан танишдилар.

Ташриф якунида «Иссиқ-Ота» санаторийсида «Касаба уюшмалари бирдамлиги хиёбони» экологик акцияси ўтказилди. Акция доирасида иштирокчилар томонидан турли манзарали дарахт кўчатлари экилди. Юртимиз вакиллари ҳам қайин дарахти кўчатларини экиб, касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшдилар.

Халқаро тадбир меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида тажриба алмашиш, касаба уюшмалари, давлат органлари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича амалий мулоқот учун муҳим майдон бўлди.

ЎРГАНИШ



Феруза МАРДИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири

МУЛОҚОТНИНГ МУҲИМ КЎПРИГИ

Навоий вилоятида касаба уюшмаси қўмиталари фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этиш ва меҳнаткашлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий-услубий тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Нурота, Конимех, Навбаҳор ва Хатирчи туманларидаги қатор ташкилот ҳамда муассасаларда фаолият юритаётган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг иш тажрибаси ўрганилиб, таҳлил қилинди. Бундай ўрганишлар фақат камчиликларни аниқлаш билан чекланмай, уларни бартараф этишнинг самарали йўлларини белгилаш ва қуйи бўғин ташкилотларига амалий кўмак кўрсатишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли.

Таҳлилларда касаба уюшмаси ташкилотларида иш юритиш ҳолати, жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши, иш режаларининг ижроси, ҳисобот-сайлов йиғилишларини белгиланган тартибда ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Зеро, бошланғич ташкилот фаолиятининг самарадорлиги унинг аъзолар муаммосига қанчалик яқинлиги, қонуний ҳуқуқларини таъминлашдаги фаол позицияси билан белгиланади.

Таҳлилларда касаба уюшмаси ташкилотларида иш юритиш ҳолати, жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши, иш режаларининг ижроси, ҳисобот-сайлов йиғилишларини белгиланган тартибда ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Касаба уюшмаси ходим билан иш берувчи ўртасидаги мулоқотнинг муҳим кўприги сифатида меҳнат муносабатларида ижтимоий шериклик тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилиши лозим. Шу нуқтаи назардан, амалий-услубий ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича масъулларга аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилмоқда. Ҳужжатларни тўғри юритиш, мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш шулар жумласидандир.

Эътиборли жиҳати, бундай ёндашув бошланғич ташкилотларнинг бугунги фаолиятини баҳолашдан ташқари, уларнинг келгусидаги ишини аниқ мақсад ва вазифалар асосида ташкил этишга хизмат қилмоқда. Илғор тажрибаларни оммалаштириш, мавжуд муаммоларга ечим топиш ва касаба уюшмаси фаолларининг амалий кўникмаларини ошириш орқали қуйи бўғиндаги иш сифатини янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган.

Бугун ходим хавфсиз ва қулай шароитда ишлаши, ижтимоий ҳимоядан баҳраманд бўлиши, меҳнатига яраша рағбат олиши ҳам касаба уюшмалари эътиборидаги устувор масалалардан саналади.


Навоий вилоятида олиб борилаётган амалий-услубий ишлар ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бошланғич ташкилотлар салоҳиятини ошириш, уларнинг меҳнат жамоалари ҳаётидаги ролини кучайтириш ва ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш орқали, энг аввало, инсон манфаати таъминланмоқда.

Кучли касаба уюшмаси, аввало, меҳнаткаш ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимояда эканини ҳис қиладиган, унинг мурожаати эътиборсиз қолмайдиган ва ҳар бир масалага амалий ечим изланадиган тизимдир. Навоий вилоятидаги бугунги саъй-ҳаракатлар ана шундай ишончли ва самарали тизимни шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

УЧРАШУВ

ЁШЛАРНИНГ ФИКРИ ҚАНДАЙ?





Маржона ҲАЙИТБОЕВА

Сирдарё вилояти мусиқали драма театрида Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Отабек Мусаев иштирокида «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ташкил этилди.

Унда мазкур кенгашнинг Сирдарё вилояти бирлашган ташкилоти тизимидаги муассасаларда фаолият юритаётган фаол ёшлар иштирок этдилар.

Очиқ мулоқот руҳида бўлиб ўтган учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан фикр ва таклифларини билдирдилар. Хусусан, ёш мутахассисларни касбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг малакасини ошириш, соҳада ўз ўрнини топиши учун яратилаётган имкониятлар ҳақида атрофлича фикр алмашдилар.

Бундай мулоқотнинг аҳамияти шундаки, ёш ходим ўзини қийнаётган масалани бевосита соҳа раҳбарига етказиш, таклифини билдириш ва ечими бўйича фикр олиш имкониятига эга бўлади. Зеро, меҳнат жамоасида ёшларнинг овози эшитилиши уларнинг ташаббускорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Учрашув давомида ёшлар учун викторина ҳам ташкил этилди.

Мар Бойжиевнинг қаламига мансуб «Баҳс» (Дуэль) пьесаси СССР, Польша, Болгария, ГДР, Венгрия, Чехословакия, Австрия ва бошқа мамлакатлардаги театрлар саҳнасида намойиш қилинган. Санъат ва ёшлар мулоқоти уйғунлашган тадбир якунида фаол ёшларга ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

1211 ЭШИТАДИ

ИШ ҲАҚИНИ ТЎЛАБ БЕРИШДИ

Нурбек ФАХРИДДИНОВ

Жиззах шаҳридаги «Сўғдиёна» ўйингоҳини таъмирлашда ишлаган Абдували Суюнов уйига қуруқ қўл билан қайтди. Унинг йўлига орзиқиб кўз тиккан оила аъзолари олдига шумшайиб кириб келиш азобини ўзингиз тушуниб олаверинг. Уни оғзаки шартнома асосида ишга ёллаган «Best construction community» МЧЖ раҳбари иш ҳақини тўлашдан бўйин товлади.

Нарпай туманидан Жиззахга қатнаб ишлаган Абдували Суюнов охир-оқибат корхона ҳисобида қолиб кетган 35 миллион сўм иш ҳақига ҳам қўл силтади. Аммо оиладаги қийинчилик азобини, энг аввало, аёллар ҳис қилади. Турмуш ўртоғидаги тушкунликдан эзилган аёли Мусаллам Ваҳобова касаба уюшмаларининг аёллар муаммолари билан ишловчи 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилди.

Жамоат ташкилоти масалани мулоқот йўли билан ҳал этишга киришди. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармасининг касаба уюшмаларига маълум қилишича, А.Суюновнинг 35 миллион сўм иш ҳақи корхона томонидан тўлиқ тўлаб берилган.

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



МЕҲНАТ НОРМАЛАРИ ЎЗГАРСА, ХОДИМ 2 ОЙ ОЛДИН ОГОҲЛАНТИРИЛАДИ



3 ЁШГА ТЎЛМАГАН ФАРЗАНДИ БОР ХОДИМЛАР УЧУН ҲАМ ИМТИЁЗЛАР БОР

ШАХСИЙ ФИКР

ОҒИР ЖИНОЯТГА НЕГА ЕНГИЛ ЖАЗО?

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



Яқинда Жиззах вилоятида содир бўлган воқеа кўпчиликни ларзага солди. Маълум бўлишича, бир аёл қайнонаси ва эрининг опа-сингиллари томонидан бир неча ой давомида қийноққа солиб келинган. Унинг беш ойлик фарзанди тортиб олинган, ўзи эса хонага қамаб қўйилиб, овқат ва сувдан маҳрум қилинган. Қайнсингиллари жабрдийданинг устига туз ва сода аралаштирилган қайноқ сув сепишгани айтиляпти. Айни пайтда ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган.



Мазкур ҳодисани ҳар ким ўзича таҳлил қиляпти. Кимдир хотини ва фарзандини онаси ҳамда опа-сингилларига ишониб ташлаб, ўзи Россияга ишлаш учун кетган эрни, яна биров шу қабиҳ ишга қўл урган аёлларни қоралаяпти.

Статистик маълумотларга кўра, масалан, 2024 йилда Ўзбекистонда аёллар томонидан 4 минг 167 та жиноят содир этилган бўлса, 2025 йил якунига келиб, бу кўрсаткич 3 минг 214 тага тушган.

Тўғри, профилактик чора-тадбирлар натижасида хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони йил сайин камайиб бормоқда. Аммо аслида аёллар жинояти битта бўлса ҳам кўп.

Ижтимоий тармоқларда аёллар билан боғлиқ жиноятлар ҳақида яна баҳс кетаркан, фурсатдан фойдаланиб, бир таклифни илгари сурмоқчиман.

Бугун хотин-қизлар борасида гап кетганда, «тенглик» деган сўзни кўп эшитяпмиз. Бу бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, опа-сингилларимиз барча соҳаларда эркаклар билан баравар имкониятларга эга бўлиб боришяпти. Илгари кўпроқ эркаклар зиммасида бўлган вазифаларни бугун улар ҳам бемалол бажаришяпти. Уқишда, ишда, тадбиркорликда, давлат бошқарувида, раҳбарлик лавозимларида аёллар учун эшиклар очиляпти. Қисқаси, аёлнинг жамиятдаги ўрни фақат оила ва рўзғор билан чекланиб қолмаяпти. Албатта, уларнинг фикри эшитилиши, меҳнати қадрланиши, ўз тақдирини ўзи белгилаши – тараққиётнинг талаби.

Бу – яхши! Чунки аёл ҳам инсон. У эркак билан тенг имкониятга эга шахс. Аммо ҳар бир ҳақ-ҳуқуқ ортида масъулият ҳам борлигини унутмаслик лозим. Тенглик деган тушунчанинг кўпинча биз эътибор бермайдиган яна бир томони бор. У ҳам бўлса – жавобгарлик.

Хўш, ожизалар томонидан жиноят содир этилганда-чи? Бу ерда ҳам эркак ва аёл ўртасида фарқ бўлмаслиги, яъни иккисига ҳам қонун устувор – жазо муқаррар, қилмишга муносиб бўлиши керак эмасми? Масалан, Жиноят кодексининг 50-моддасига кўра, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган хотин-қизларга, шунингдек, 60 ёшдан ошган эркакларга тайинланадиган жазо муддати тегишли жиноят учун белгиланган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Демак, қонуннинг ўзи айрим ҳолатларда жазонинг юқори чегарасини чеклаб қўйган. Энди ҳақли эътироз туғилади.

Аёлга ўқишда, ишда, раҳбарликда тенг ҳуқуқ ва имконият берилаётган бир пайтда жиноят содир этганида унинг жинси жазо масаласида алоҳида имтиёзга айланиши адолатнинг қайси мезонига тўғри келади?

Тўғри, бу ерда инсонпарварлик деган тамойиллар ҳам бор. Жиноятга қасддан ёки билмай қўл урган ожизанинг вояга етмаган фарзанди, оиласи, унинг жамиятда тутган ўрни ҳисобга олиниши лозимдир... Лекин биз енгиллик бераётган аёл жабр етказган шахснинг ортида ҳам оиласи, яқинлари борлигини унутиб бўладими? Ахир, унинг қилмиши туфайли бир инсон бошига катта мусибат тушяпти-ку!? Фирибгарлик ёки бошқа оғир жиноят ортидан ҳаёти издан чиққан одамнинг ҳам оиласи бор.

Шундай экан, нима учун жиноятчининг жинси ҳақида ўйлаганимизда, жиноятдан жабрланган шахснинг кейинги тақдирини ҳисобга олмаймиз?

Мен аёлларга нисбатан шафқатсиз бўлиш керак, демоқчи эмасман. Аксинча, жазо ҳам адолатли бўлиши жоиз, деяпман. Аммо адолат дегани кимгадир жинси учун имтиёз беришни англатмайди. Одам оғир жиноятга қўл урдими, жазо унинг аёл ёки эркак эканига қараб тайинланиши мантиқсизлик, назаримда...

Бугун аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни жамият тараққиётининг муҳим белгиси сифатида кўряпмиз. Аёллар ҳам эркаклар билан бир қаторда, катта масъулиятларни зиммасига олишяпти. У ҳолда жавобгарлик масаласида уларни доимо «ҳимояга муҳтож» шахс сифатида кўришнинг ўзи қанчалик тўғри? Жавобгарликнинг асосий мезони жинс эмас, қилмиш ва унинг оқибатлари бўлиши адолатли эмасми?

Албатта, бу «эркакка қанча йил берилса, аёлга ҳам айнан шунча йил берилиши шарт», дегани эмас. Чунончи, суд жазо тайинлаётганда жиноятнинг оғирлиги, унинг оқибати, айбдорнинг роли, жиноят содир этиш ҳолатлари, шахси ва бошқа муҳим жиҳатларни ҳисобга олади.

Ўзбекистон қонунчилигида энг оғир жазо – умрбод озодликдан маҳрум қилиш аёлларга нисбатан қўлланилмайди. Нега? Аёл бўлгани учун!

Хўш, жиноят қанчалик оғир бўлса ҳам, жинс доимо ҳимоя воситаси бўлиб қолавериши нечоғлик тўғри? Масалан, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ёки терроризм каби жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Борди-ю, шундай жиноятни аёл содир этса-чи? Табиийки, унга маълум даражада имтиёз берилади. Чунки амалдаги қонун талаби шундай.

Статистик маълумотларга кўра, масалан, 2024 йилда Ўзбекистонда аёллар томонидан 4 минг 167 та жиноят содир этилган бўлса, 2025 йил якунига келиб, бу кўрсаткич 3 минг 214 тага тушган.
Тўғри, профилактик чора-тадбирлар натижасида хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони йил сайин камайиб бормоқда. Аммо аслида аёллар жинояти битта бўлса ҳам кўп.

Хуллас, жиноятга нисбатан муросасиз бўлишимиз зарур. Бироқ муросасизлик жиноятчининг эркак ёки аёл эканига қараб ўзгармаслиги лозим. Балки жиноят содир этган аёлларга «тенглик» тамойили остида жазо қўллаш масаласини кўриб чиқиш фурсати етгандир...

Мутасаддилар қонунчиликнинг шу қисмини қайта кўриб, мазкур масалани адолатли ҳал қилишади, деган умиддамиз.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Қизамиқ – тиббиётда яхши ўрганилган, вакцина орқали олдини олиш мумкин бўлган юқумли касалликлардан бири. Шундай экан, унинг кенг тарқалиши ҳар доим бир саволни кун тартибига олиб чиқяпти: касалликнинг ўзи кучайдими ёки олдини олиш тизимида қандайдир бўшлиқ юзага келдими? Уни эрта аниқлаш, ҳар бир ҳолатни текшириш, манбасини топиш ва тарқалиш занжирини ўз вақтида узишга нима монелик қиляпти?

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



ҚИЗАМИҚ:

хасталик кучайиб боряптими ёки олдини олишга кучимиз етмаяптими?

Қизамиқ тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ЖССТ 2019 йилдаёқ Ўзбекистонда у билан боғлиқ вазият жиддийлашганини қайд этиб, эпидемик тарқалиш қайта тикланган, деган хулосага келган. Ўша йили мамлакатнинг барча ҳудудларида касалланишлар кўпайган. Мамлакат соғлиқни сақлаш тизимидаги 1672 та лабораторияда тасдиқланган ҳолат қайд этилган. Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида касалланишлар сони ортган.

Гарчи расмий эмлаш қамрови юқори кўрсатилган бўлса-да, ЖССТ эпидемиологик назорат сифатини кучайтириш, лаборатория текширувлари ва генотиплашни яхшилаш зарурлигини таъкидлаганди. Аммо бизда 2019 йили санитария-эпидемиология хизматидаги ислоҳотлар натижасида тахминан ўн мингдан ортиқ тиббиёт ходими қисқаришга тушгани назорат ва эпидемиологик текширувлар сифатига таъсир қилди, деган фикрни билдирувчилар ҳам йўқ эмас.

Боз устига, 2020 йилда COVID-19 пандемияси бутун соғлиқни сақлаш тизимини зўриқтириб, унинг бутун диққат-эътиборини коронавирусга қаратди. Бундай шароитда режали эмлаш, профилактик кўриклар ва эпидемиологик назорат каби йўналишларда узилишлар юзага келганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу боис ўша дард ўлкамизнинг мавсумий «меҳмони»га айланиб қолди, чоғи. Акс ҳолда, 2023 йилда 1192 та ҳолат кузатилмаган, 2024-2025 йилларда гўдаклар бу дардга чалинмаган бўларди.

Қизамиққа қарши вакцинация қамрови юқорилагани ҳақида расмий ҳисоботлар берилаётган бир пайтда, касалликнинг тарқалиши жамоавий иммунитет масаласини чуқур таҳлил этишни талаб қилади. Чунки эмлашнинг умумий фоизи юқори бўлиши ҳар бир ҳудудда ва ҳар бир ёш гуруҳида иммун ҳимояси бир хил даражада дегани эмас. Айрим болалар вакцина олмаган, айримларида эмлашнинг бир дозаси билан чекланилган ёки ҳисоботдаги қамров билан амалдаги ҳолат ўртасида фарқ бўлиши мумкин-ку.

– Ачинарлиси, қатор давлатларда эмлаш ишлари кўнгилдагидек ташкил этилмагани боис касаллик мамлакатимизга кириб келиши ҳолатлари кузатилмоқда. Орамизда қизамиқни турли расм-русумлар билан боғлаб, беэътибор қолдирувчилар ҳам бор, – дейди шифокор Ў.Нуриллаев. – Хасталикнинг асоратлари йиллар ўтиб ҳам намоён бўлиши мумкин. Бу дарддан сўнг бола соғлом ривожланаётгандек кўринса-да, кейинчалик ҳаракатларида ўзгаришлар кузатилиши эҳтимолдан холи эмас. Бугунги кунда қизамиққа қарши нафақат давлат тиббиёт муассасаларида, балки айрим хусусий клиникаларда ҳам ишончли эмланиш имкони мавжуд. Бу масалага ота-оналар бефарқ муносабатда бўлмасликлари керак.

Ҳозир айни қизамиқ мавсуми арафасида турибмиз. Бугун «Қанча киши эмланди?» деган савол бериш эмас, «Кимлар эмланмай қолди ва нима сабабдан?» қабилидаги таҳлилий ёндашув зарур. Чунки вакцинация жараёнларида узилишлар рўй бериши, эмлаш муддатининг ўтиб кетиши ҳолатлари ҳам учрамоқда экан.

Биз кимнидир айблаш фикридан йироқмиз, аммо хасталикнинг олдини олиш энг долзарб масалалигича қолаётгани барчани безовта қилиши керак.

КЎЗНИ ЭКРАНДАН УЗИБ...

ДОИМО ОНЛАЙН ОНАЛАР

улар тарбия каналларини ҳам кузатяптими?

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Болага нисбатан жисмоний зўравонлик қилиш мумкин эмас. Буни қонун ҳам, замонавий психология ҳам қатъий таъкидлайди. Аммо фарзанд тарбиясида баъзан қаттиққўллик ҳам керак. Албатта, бу унга жисмоний тазйиқ ўтказиш дегани эмас. Аксинча, урмасдан, гапириб тушунтириш, ҳаётий мисоллар билан тўғри хулоса чиқаришига шароит яратишдир.

Бироқ бугунги ота-оналар шундай йўл тутиш учун зарур билим ва тушунчага эгами?

Яқинда болалар психологи Ҳабиба Ҳамдамнинг телеграм гуруҳидаги бир пост тагида «Ҳар сафар боламни урмайман десам-да, яна уриб қўяверaман. Болам жуда асабий, айтганимни қилмайди, қўлидан телефонини олиб қўйсам, бақириб йиғлайди» каби изоҳларнинг кўплигини кўриб, бу кўпчилик оилаларни қамраб олаётган жиддий муаммо эканини тушундим. Аксига олиб, оналарга фойдали билим улашувчи бундай каналларда обуначилар жуда кам.

Бугун ижтимоий тармоқлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Келинг, улардан қандай фойдаланаётганимизга бир эътибор берайлик. Масалан, кийим-кечак, косметика, турли маҳсулотлар савдоси ва бошқа маиший мавзуларга бағишланган каналларга кирсангиз, у ердаги миллионлаб фаол обуначиларнинг асосий қисми хотин-қизлар. Инстаграмда бирор санъаткорнинг фарзандининг тўйи ёки туғилган куни видеоси остидаги изоҳларни ўқисангиз, уларнинг кўплигидан гўёки «Аёллар инстаграмда яшаяптими?» деган хаёлга ҳам борасиз.

Тўғри, ҳар кимнинг ўз ҳаёти, ўз танлови бор. Аммо бошни смартфондан кўтариб, бир ўзимизга саволлар бериб кўрайлик: фарзанд тарбиясини ўргатадиган китобларга, телеграм каналларга қанча вақт ажратяпмиз?

Болаларимиз психологиясига қизиқишимизни илм йўлидаги кўприкка айлантириш керак. Масалан, бола компьютер ўйинларига қизиқса, уни шу орқали математика, инглиз тили, дастурлаш ёки технологияга қизиқтиришимиз мумкин, – дейди психолог Дилбар Ҳусанова. – Техникага қизиқадиган болага конструктор, робототехника, тажрибалар таклиф қилиш мумкин. Яъни, «Телефонни ташла» деб эмас, «Сенга ёқадиган нарса орқали нимани ўрганишимиз мумкин?» деб ёндашиш зарур. Яна бир муҳим жиҳат бор. Ота-она боладан телефонни қўйишни талаб қилар экан, аввало, намуна бўлиши керак. Агар уйда катталарнинг ўзи кечаю кундуз телефонга қараб ўтирса, боладан китоб ўқишни талаб қилиш қийин. Боланинг китобга меҳрини уйғотиш учун биринчи бўлиб ўзимиз уни қўлимизга олишимиз керак.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар қандай она, аввало, ҳаётидаги энг муҳим мақсадини аниқлаб олиши керак. Уларга ўткинчи ҳою ҳавас керакми ёки фарзандининг камоли, руҳий соғломлиги?! Агар иккинчиси бўлса, вақтларини кўпроқ инстаграм ва телеграмдаги кийим-кечак, косметика каналларига эмас, фарзанд тарбиясини ўргатувчи мутахассисларнинг китобларини ўқиш ва телеграм каналларини кузатишга интилишлари керак. Зеро, фарзанд билан боғлиқ ҳар қандай муаммонинг калити илмдан бошланади.



«Ishonch»нинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида:



АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СИРЛИ ҚОРА ЧАМАДОНИДА НИМА БОР?



ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ЁШИ ОШМОҚДА: ДУНЁДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

4-«Б»НИНГ СИНФ РАҲБАРИ

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



Умр оқар дарё деб, бекорга айтишмас экан. Кўз очиб-юмгунча ўрта мактабни битирганимизга ҳам салкам 40 йил бўлибди. Кечагина шўх-шодон, бебош бола эдик. Энди эса худди шундай болакайларга бобо-момо бўлганмиз.

Болалигимни эсласам, ҳаётимизда чуқур из қолдирган синф раҳбаримиз Гулжамила Аъзамхўжаева ёдимга тушади. У киши синфимизга раҳбар бўлган даврларни қуйидагича хотирлайдилар:

«Туғуруқ таътилидан қайтишим билан мактабимиз директори Ойбек Иноятов мени хонасига чақириб, «Сиз 4-«Б» синфига раҳбарлик қиласиз», деди. Лекин ўйлаб кўришимга ва эътироз билдиришимга изн бермади.

Директор қабулидан чиқиб ўқитувчилар хонасига кирдим. Ҳамкасбларим мендан нима гаплигини сўрашди. Борини айтдим. Энди уларнинг менга ачиниш билан қарашлари-ю, тасалли беришларини кўрсангиз эди.

– Нима гап ўзи? – деб сўрадим ҳайратимни яширолмай.

Ҳамкасбларим чекка-чеккадан 4-«Б» синфни ёмонлай кетишди. «Синфда бола кўп...», «Ўқувчилар ўта шўх...», «Фанлардан ўзлаштиришлари ҳам жуда суст...»

Бундай ахборотни эшитиб, тўғриси, жуда қўрқиб кетдим ва директорнинг қабулига ошиқдим. Бошқалардан эшитганларимни айтиб, «Ахир мен ҳали ёшман. Уларни эплолмайман. Илтимос, раҳмингиз келсин», деб йиғладим.

– Ким сизга нима деган бўлса, бекорларни айтибди, – деди Ойбек ака менга жилмайиб боққанча. – Бу синфда ўқийдиганлар жудаям яхши болалар. Тўғри, улар «А» синфнинг ўқувчиларига нисбатан бироз шўхроқ... Ҳа, энди бола бўлгандан кейин шўх бўлади-да. Яхшиси, юринг, мен уларни сизга кўрсатаман.

Ўқувчилар ҳар жой-ҳар жойда ўз синфи билан тўп-тўп бўлиб йиғилиб турган майдончага бордик. Ойбек ака сизларни топиб «Қани, бу қоракўзларнинг ҳар бирининг кўзига битталаб қараб чиқинг-чи», дедилар.

Сизларга хоҳламайгина (қўрқув бор эди-да) тикилиб боқдим. Қарасам, ҳар бирингиз менга мўлтираб қараб турибсиз. Ана шу мўлтираган кўзларингиз мени ийдирган. Ўша лаҳзадан бошлаб барчангизни яхши кўриб қолганман. Шу-шу сизларга нисбатан меҳрим бўлакча. Бошқаларга қараганда сизларни кўпроқ эслайман».

Гулжамила Аъзамхўжаева синфимизга раҳбарликни 1981 йили қабул қилиб олиб, 1988 йили бизни учирма қилган. У она тили ва адабиёт фанидан дарс берган. Аллоҳ бу лобар ва гўзал аёлни азалдан табиатан ўз касбининг моҳир устаси қилиб яратган дейсак, муболаға бўлмайди.



Синфимизда 45 нафар бола ўқирдик. Ростдан ҳам, жуда шўх эдик. Жумладан, камина ҳам ўғил болалардан қолишмай, ланка тепиш борми, копток ортидан қувиш борми, доим биринчилардан эдим.

Фанларни ўзлаштиришимиз «А» синфга нисбатан гоҳ пастроқ, гоҳ юқорироқ бўлса ҳам, ташкилий ва жамоат ишларида кўпинча биринчилардан бўлиб, кўп мақтовлар эшитганмиз. Синф раҳбаримиз бизларни қанчалик яхши кўрса, биз ҳам уни шунчалик севиб, ҳурматини жойига қўярдик, айтганларини сўзсиз бажаришга ҳаракат қилардик. Ўйлайманки, бу билан «Ўқитувчи – иккинчи ота-онанг!» деган ўгитни тўлиқ оқлаганмиз.

Тўғри, 45 нафар қоракўз орасидан катта аллома ёки юрт сўрайдиган амалдор чиқмади, лекин синф раҳбаримизнинг берган таълими, тарбияси ва ўгитлари ҳар биримизга ўз ҳаёт йўлимизни тўғри танлашимизда дастуриламал бўлди. Барчамиз жамиятда ўз ўрнимизни топиб, яхши инсон бўлдик. Бизнинг синф ўқувчиларини ёмонлаганларни уялтириб, доғда қолдирдик.

Ҳозирги кунда Гулжамила Аъзамхўжаева 80 билан юзлашиб 90 билан тўқнашишга бел боғлаган. У бизнинг «машҳур» 4-«Б» синфидан кейин ҳам талай синфларга раҳбарлик қилди. Мактабни битирганимизга кўп йиллар бўлган бўлса ҳам шу кунга қадар устозимиз билан тез-тез кўришиб турамиз. Бу учрашувларда биз, собиқ ўқувчилар ҳам, Гулжамила опа ҳам бир-биримизга меҳр-муҳаббатимизни тўкиб-солиб, дийдоримизга тўймай қайтамиз.

Фарзандларининг айтишича, опа, айниқса, бизнинг синфга раҳбарлик қилган даврларини меҳр билан эслаб, тўлқинланиб гапирар экан.


Ўқитувчи касбини танлаган инсонларга устозимиз Гулжамила Аъзамхўжаеванинг йўлини бериб, улар ҳамиша шогирдлари ҳурмат-эътиборида ва ардоғида бўлишсин. Номлари эларо тиллардан дилларга, диллардан тилларга ўтиб юрсин.

Дарвоқе, мен Гулжамила Аъзамхўжаевадай олижаноб, феъли кенг инсон менинг севимли ва ғамхўр-меҳрибон ўқитувчим бўлганидан фахрланаман!

ЭҲТИРОМ

Шу кунларда таниқли ёзувчи, «Ishonch» газетасининг доимий муаллифларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев қутлуғ 70 ёшини нишонламоқда.
Таҳририят жамоаси Ашурали Жўраевни донишмандлик довонига қадам қўйгани билан қутлаб, устоз журналистнинг ижодий фаолиятига муваффақиятлар тилайди! Газетхонлар эътиборига эса Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Ориповнинг Ашурали Жўраевга бағишлаб битган шеърини ҳавола этамиз. Зотан, улуғлар эътирофидан ошириб сўз айтиш душвор.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



ЖАННАТ ҚОПҚАСИДА

Укам Ашурали Жўраевга

Жаннат қопқасида тирбанд оломон,
Бари ҳам розидир, бари ҳам масрур.
Бунда орзусига эришган инсон,
Жаннати деган сўз янграрди мағрур.


Ўрнидан жилмасди бир банда фақат,
Ҳамма ҳайрон эди боқиб бу ҳолга.
Жаннатга шошмаган кимдир бул уммат?
Фаришталар тушиб, тутди саволга.

Банда жавоб қилди: – Яшадим узоқ,
Ҳар не ишни қилдим, ҳатто бахшилик.
Минглаб қавмларни учратдим, бироқ
Яхшилик кўрмадим, афсус, яхшилик.

Мени қуршаб олди бир кун ёвуз куч,
Тошбўрон қилишди, бўлишганча жам.
Ҳатто гўдакларнинг кўзларида ўч,
Менга тош отмади фақат бир одам.

Оё, ўша зотни бергайсиз топиб,
Яхшилик лойиқдир олий ҳилқатга.
Усиз қўйинг майли қопқани ёпиб,
Усиз кирмагайман ҳаргиз жаннатга.

2015 йил, 24 март



БАХТ МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА



Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



«ЎЗИМИЗДА ЙИГИТЛАР ЙЎҚМИДИ?»

Чет элликка турмушга чиққан ўзбек қизларига нисбатан бундай муносабатни тез-тез учратиш мумкин. Гўё аёл бахти унинг танловидан кўра, эркакнинг қай миллатга мансублиги билан ўлчанадигандек.

Аммо ҳаётда ҳамма нарса бунчалик оддий эмас.

Яқинда машҳур ўзбек блогерларидан бири ўз аудиториясига биринчи турмуши ҳақида сўзлаб берди. Унинг айтишича, турмушга чиққач, ўзи билмаган жиддий муаммолар мавжудлигидан, жумладан, эрининг бошқа шаръий хотини борлигидан хабар топган. Бундан ташқари, зўравонликка ҳам дуч келган. Шунга қарамай, отасининг «Уруғимизда ажрашган йўқ» деган гапи таъсирида никоҳни сақлаб қолишга уринган. Аммо йиллар давомидаги хўрлик ва зўравонлик унинг соғлиғига салбий таъсир қилган. Охир-оқибат эри билан ажрашган.

Кейин у ўқиди, олий маълумотли бўлди. Вақти келиб, чет эллик йигит билан танишди. Оила қурди, фарзандли бўлди.

Блогернинг ҳикоясидаги энг муҳим гап қуйидаги эътироф эди:

– У мени қадрлайди. Ҳозир бахтлиман.

Аслида, бу ерда савол эркакнинг корейс, ўзбек ёки бошқа миллат вакили эканида эмас. Савол – инсон ўз жуфти билан қандай муносабатда яшашида.

«МЕНГА МЕҲР ВА ҚЎЛЛОВ КЕРАК ЭДИ...»

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманида яшовчи Раънонинг ҳаёт йўли ҳам шунга ўхшаш.

У қарийб ўн йил аввал ўзбек йигитига турмушга чиққан, аммо кўп ўтмай ажрашган. Кейин бошқа миллат вакили билан оила қурган. Ҳозир уч нафар фарзанди бор. Вақти-вақти билан Ўзбекистонга келиб, яқинларини зиёрат қилиб туради. Муҳими, ҳозирги турмушидан мамнун ва ўзини бахтли ҳис қилади.

Албатта, бир инсоннинг шахсий тажрибаси бутун бир миллат ёки жамият ҳақида хулоса чиқариш учун асос бўла олмайди. Аммо бундай ҳолатлар бир саволни ўртага қўяди: нега айрим аёллар ўз юртида топа олмаган меҳр, ҳурмат ва эътиборни бошқа жойдан топишмоқда?

Қуйичирчиқлик, ёши 40 дан ошган Мақсудахоннинг қарори эса бу саволни янада мураккаблаштиради.

Унинг айтишича, биринчи турмуш ўртоғи ичкиликка берилган, ўзаро жанжаллар кўп бўлган. Оила ҳатто ажрим ёқасигача борган. Мақсудахон асосий ишидан ташқари қўшимча ишлар қилиб, икки қизини узатган. Кейин тириқчилик илинжида Туркияга ишлаш учун кетган. Ўша ерда хотини вафот этган турк фуқароси билан танишган.

– Унинг аёл кишини қадрлаши мени йиллар давомида қандай ситамларга чидаб яшаганимни англашга мажбур қилди. Балки сизга бу гап эриш туюлар. Аммо мен шу ёшимда меҳр ва қўлловга муҳтож аёл эканимни ҳис қилдим, – дейди у.

Мақсудахон энди биринчи турмуш ўртоғидан ажрашиб, ўша инсон билан янги ҳаёт бошлашни истаяпти. Унинг бу қарорини эшитганда бир нарса ҳақида ўйланиб қоласан: инсон йиллар давомида кўниккан ҳаётини сақлаб қолиши керакми ёки ниҳоят ўзини қадрлангандай ҳис қилган жойда янги ҳаёт бошлашга ҳақлими?

Бу саволга ҳар кимнинг жавоби ҳар хил бўлиши мумкин. Чунки бу ерда гап фақат никоҳ ҳақида эмас, инсоннинг ўз ҳаёти ва қадри ҳақида ҳам кетмоқда. Аммо ҳар бир бахтсизликни миллат билан изоҳлаб бўлмайди. Шу билан бирга, юқоридаги ҳикоялардан «Чет эллик эркаклар ўзбек эркакларидан яхшироқ» деган хулоса чиқариш ҳам мутлақо тўғри эмас. Чунки ҳаётда буни рад этадиган мисоллар кўп...

Пискентлик Рисолат Абдуллаева турмуш ўртоғи билан 15 йилдан буён бирга яшаб келмоқда. Унинг айтишича, оиласидаги хотиржамликнинг асоси – бир-бирини тушуниш ва эъзозлаш.

– Турмуш ўртоғим мени ҳатто яқинларимдан ҳам яхши тушунади. Менинг ҳар бир фикрим унинг учун аҳамиятли эканини доим ҳис қиламан, – дейди Рисолат.

Дарвоқе, оиласида оғир жудолик бўлганида ва жарроҳликдан сўнг узоқ вақт тўшакка михланиб қолганида, унинг ёнида бўлган ва ғамхўрлик қилган ҳам айнан турмуш ўртоғи бўлган.

– Агар ўтган умримни яна бир бор яшаш имкони берилса, мен яна шу умр йўлдошимни танлаган бўлардим, – дейди у.

Демак, масаланинг моҳиятини «ўзбекми ёки чет эллик?» деган саволдан излаш тўғри эмас. Асосий савол бошқача: оилада аёл ўзини қадрланган, эшитилган ва ҳимоялангандай ҳис қиладими?

ИККИ МИЛЛАТ, ИККИ ТИЛ ВА БИР ОИЛА

Қарийб 20 йилдан буён АҚШ фуқароси билан бир оилада яшаётган, асли Тошкент вилоятилик Умида Турсунованинг тажрибаси бунга мисол. У ҳаётидан нолимайди. Ёнида уни тушунадиган турмуш ўртоғи, икки фарзанди бор. Аммо фарзандлар тарбиясида бошқа бир масала доим долзарб бўлиб келган: она тили ва миллий ўзликни сақлаш.

Умиданинг айтишича, фарзандлари кичкиналигидан инглиз тилини биринчи тил сифатида ўзлаштирган. Шу билан бирга, у болаларига ўзбек тили ва миллий қадриятларни сингдиришга ҳаракат қилган. Бугун фарзандлари икки тилда ҳам бемалол гаплашади.

Аммо унинг қалбида Ватан билан боғлиқ яна бир истак бор:

– Мен кун келиб бу дунёдан ўтсам, фарзандларим она юртимдан узилиб кетишмасин. Улар Ўзбекистон билан фахрланиб яшашини, қариндош-уруғлари билан алоқани сақлаб қолишини истайман.

Бу ҳикоя миллатлараро никоҳнинг яна бир қиррасини кўрсатади. Оила қуриш – икки инсоннинг бирлашиши. Аммо фарзандлар туғилгач, бу икки инсоннинг ортида турган икки тил, икки маданият ва икки оилавий муҳит ҳам бир уйда учрашади. Шунинг учун бундай никоҳда муҳаббат билан бирга маданий мулоқот ва ўзаро ҳурмат ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ГАП МУНОСАБАТДА

Юқоридаги аёлларнинг тақдири бир-биридан кескин фарқ қилади. Кимдир ўз миллати вакили билан бахтли оила қурган. Кимдир оғир никоҳдан кейин ҳаётини қайта бошлаган. Яна кимдир бошқа миллат вакили билан оила қуриб, фарзандларида икки тил ва икки маданиятни уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқда.


Уларнинг ҳаётидан битта умумий хулоса чиқариш мумкин: инсон учун муносабатда ўзини қадрлангандай ҳис қилиш жуда муҳим. Бахтни эр-хотиннинг паспортидаги миллат банди белгиламайди. Никоҳнинг мустаҳкамлиги ҳам фақат урф-одат ёки жамиятнинг «нима дейиши» билан таъминланмайди. Оилада меҳр, ҳурмат, ишонч, масъулият ва ўзаро тушуниш бўлса, икки инсон бир-бирига таянч бўла олади. Бу икки инсон бир миллат вакили бўладими ёки турли миллатданми – иккинчи даражали масала. Аксинча, бир миллатга мансубликнинг ўзи бахтли оила қуриш кафолати эмас.

Шунинг учун «Нега у чет элликка турмушга чиқди?» деган саволдан олдин бошқа саволни бериш керакдир: «У бу муносабатда ўзини қандай ҳис қиляпти?». Чунки никоҳда инсонга, аввало, миллат эмас, бошқа бир инсон ҳамроҳ бўлади. Шу маънода, «Бахт миллат танлайдими?» деган саволга жавоб, эҳтимол, жуда оддий: бахт миллат танламайди. Аммо уни асрайдиган муносабатлар бўлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши жамоаси Жалақудуқ тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Баҳодиржон Нуманович Ташкановга волидаи муҳтарамаси

Мўътабархон она ТАШКАНОВА

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Эълонлар

«CROWN PACKAGING» МЧЖ иштирокчиларининг 2026 йил 18 сентябрдаги қарори ҳамда **«Renaissance Business» МЧЖ** иштирокчиларининг 2026 йил 18 сентябрдаги қарорига асосан **«Renaissance Business» МЧЖ**ни «**CROWN PACKAGING» МЧЖ**га қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этиш жараёни бошланғани маълум қилинади.

«Renaissance Business» МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш ҳужжатига мувофиқ тўлиқ **«CROWN PACKAGING» МЧЖ**га ўтади. **«CROWN PACKAGING» МЧЖ** қайта ташкил этилган корхонанинг вориси ҳисобланади.

Кредиторлар ўз талабларини ушбу эълон чоп этилган кундан эътиборан **30 кун** муддат ичида қуйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, «Ҳамдўст» МФЙ, Лутфий кўчаси, 57-уй. **Телефон:** +998 90 911 25 77.

Электрон почта: haknazarov74@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан 2026 йил 10 июлда Умарова Марҳамат Хайруллаевна номига берилган PhD дипломи (01 № 024880) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharriming birinchi o'rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Salim ABDURAHMONOV
Musahhih:
Dilorom XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV
Bosishga topshirish vaqti – 01:20
Topshirildi – 01:40
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz
Nashr ko'rsatkichi: **133**
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 038 ta
Shundan: 6 508 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – **Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**
19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – **Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – **Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-911**
1 2 3 4 5 6